

Ю 25884
0

МАЖБУРИИ

Бехзод ФАЗЛИДДИН

Ю 25884
0

Боғларингдан
кетмасин
баҳор

2000A-3241

БЕҲЗОД ФАЗЛИДДИН

Боғларингдан кетмасин

б а ҳ о р

(Шеърлар)

«НАМАНГАН» нашриёти

УЛҒАЙИБ БОРАЕТГАН ШОИР

Беҳзод ФАЗЛИДДИН Чуст шаҳридаги иқтидорли болалар лицейининг битирувчи синфида таҳсил олмақда. Ешлигидан шеърлар машқ қилаётгани вилоятимиз шерият мухлисларига маълум. Чунки ўтган йили унинг «Муқаддас замин» номли илк тўплами дунё юзини кўрди. Республика, вилоят ва туман газеталарида шеърлари босилиб турди. Август ойида Республика ижодкорларининг Зомнида ўтказилган анжуманида мувоффақиятли иштирок этди. У Ватан, она ҳақида жараиглатиш шеър ўқиганда мамлакатимизнинг турли шаҳар, қишлоқларидан йиғилган ижодкорларгина эмас, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла ОРИПОВ ҳам ҳайрат ва ҳаяжонга чулганиб, даст ўрнидан турди-да, пешонасидан ўпиб самимий тилаклар билдирди.

Беҳзод ёш бўлишига қарамай шеърининг қонунондаларини, сеҳру синоатларини тобора пухтароқ ўзлаштириш бормоқда. Ватан, она, табиат ҳақида катталардай мушоҳада юритади. Фикрлари изчил ва самимий.

Мана, бугун у иккинчи китоби — «Богларингдан кетмасин баҳор»ни нашр эттирди. Шеърини ихлосмандлари уни бир марта ўқиб ёш қалбнинг покиза кечинмалари билан ошно бўлганларидан сўнг мулоҳазаларимиз муболага эмаслигига ишонч ҳосил қилсалар ажабмас!


Боқий МИРЗО.

125—307, 25—241.000

НГ ————— 2000 й.

126—02—(08)—00

2000



HO 25884
0

ОРЗУЛАРИМ БЕШИГИ—ВАТАН!

Эй сен, киндик қоним тўкилган макон,
Ҳисларим йўлига сочилган замин.
Қалбим тубидаги орзую армон—
Бағрида гул бўлиб очилган замин.

Меҳринг шуъласи бор кўзларимда ҳам,
Юрак сийратига айланган гўша.
Қутлуғ нафасинг бор сўзларимда ҳам,
Дил сенга талпиниб яшар ҳамиша.

Ҳар онингда сенга бўлайин паноҳ,
Бахтинг-чун жонимни фидолар этай.
Сен томон битта ўқ отилса ногоҳ
Ўзим шартта унга кўксимни тутай.

Иқболинг сўрайман тонглар, доимо
Хақ қабул айласин тилаккинамни.
Сендан тонсам агар кўр бўлай илло,
Бургутлар чўқисин юраккинамни.

Орзу-умидларим бешиги—Ватан,
Танҳо гулсан менинг кўнгил боғимда.
Қувонч-шодликларим эшиги—Ватан,
Мен сени сақлайман қорачиғимда.

ЖОНИМ ВАТАН!

Бу дунёда ўзинг ёлғиз илинжимсан,
Ғаму гуссам ҳам шодлигим, севинчимсан,
Мирзо Бобур қалбидаги соғинчимсан,
Қиндик қоним тўқилган маконим—Ватан!

Ботир чўпон Широқдаги жасоратим,
Тўмарислар кўксидаги матонатим,
Қодир эгам инъом этган омонатим—
Сен борлигим, танимдаги жоним Ватан!

Меҳринг сенинг жон-жонимга сингиб кетган,
Сеҳринг сенинг қон-қонимга сингиб кетган,
Қутлуғ номинг забонимга сингиб кетган,
Ифтихорим ҳам шавкатим, шоним Ватан!

Онамдайин меҳрибоним, мурғаккинам,
Билки, ўзинг менга доим кераккинам,
Сен борсанки, уриб турар юраккинам,
Томиримда жўш урганим-қоним Ватан!

Дунёларга алишмасман ўзгинангни,
Оқлагайман берган нону тузгинангни,
Омон бўлсам, ёруғ етгум юзгинангни,
Номи улуг, ҳур Ўзбекистоним—Ватан!

Қ И Ш Л О Қ

Бунда менга ҳамма нарса таниш ва сирдош,
Ариқларда жимир-жимир оққан сувлар ҳам.
Меҳрим унга ўзгачадир, у менга йўлдош,
Унинг ҳар бир қарич ери жонимга малҳам.

Жаннатларнинг иси келар қучоқларидан,
Ҳавосидан тўйиб-тўйиб оламан нафас.
Кўз узолмам мева тўла боғ-роғларидан,
Ҳатто ой ҳам унга боқиб қилади ҳавас.

Чанг, тупроқли кўчаларга боқаман ўйчан:
Болалигим кўз ўнгимдан ўтаверади.
Йўлларимни кунда пойлаб кўзи тўрт бўлган,
Онам мени бунда интиқ кутаверади.

Қуш мисоли қучоғингда яйраб-кезайин,
Менинг меҳру муҳаббатим сендадир зоҳар.
О, қишлоғим, сендан қандай кўнгиш узайин,
Юрагимнинг бир парчаси ўзингсан, ахир!



ЎЗБЕКИСТОНИМ

Юртим, тарихингдан сўйлай дейману
Лекин бу мен учун жуда ҳам оғир.
Ўтмишингни бир зум ўйлай дейману
Эсласам ҳамisha юрагим оғир.

Бироқ мен сўйлашим керак, барибир,
Авлодлар билсинлар тарихни-ўзни.
Аччиқ бўлса ҳам бу ҳақиқат, ахир,
Ҳақиқатдан юмиб бўлмагай кўзни.
Қалбим зирқиратган дардли армоним,
Юрагим яроси—Ўзбекистоним!

Нокаслар қаҳридан, ғамдан, аламдан,
Тик қадди букилиб, хор бўлган замин.
Шафқат кутдингми бу ёвуз оламдан,
Меҳру мурувватга зор бўлган замин?!
Чингизлар зулмида эзилган диёр,
Озгина шодликка ёлчимаган юрт.
Бахтин ришталари кесилган диёр,
У кунларинг қандай этайин унут?!
Бўғзимда тиқилиб қолган исёним,
Бахти ҳеч кулмаган Ўзбекистоним!

Саҳройи дедилар, атадилар «гўл»,
Нодонга чиқариб қўйдилар сени.
Аслида сен бердинг дунёга ўшал—
Хоразмий, Беруний, Ибн Синони.
Не-не буюкларни яратиб қўйдинг,
Порлади улар илм осмонларида.
Булбул-Навоийни сайратиб қўйдинг,
Элнинг назм аталмиш бўстонларида.
Улуғлари билан кўкеси осмоним,
Буюклар бешиги—Ўзбекистоним!

Кейин тақдиринг-чун қайгурадургон,
Эркпарвар, ҳақпарвар инсонлар келди.
Керак бўлса сен-чун жон берадургон,
Қодирий, Чўлпону Усмонлар келди.
Лек яна қалбингни доғлар қоплади,
Чаёнлар чиқди-ку меҳробингдан-а.
Булбуллар ўрнини зоглар қоплади,
Айрилдинг ўшал уч офтобингдан-а.
Сен ўша Қодирий, Чўлпон, Усмоним,
Эркпарвар диёрим, Ўзбекистоним!

Йўқотмоқчи бўлди сени кимлардир,
Бироқ сен қўрқмадинг, курашавердинг.
Ситамларни янчиб ташладинг охир,
Борган сари ойдай тўлишавердинг.
Парчалаб ташладинг бари-барисин,
Элни-чи, олдинга чорладинг яна.
Сўнгра,.. янги ҳилол туғилгандайин
Дунё осмонида порладинг яна.
Кўзимдан севинчлар оққан ул оним,
Олам ҳавас қилган Ўзбекистоним!

Тиклаб олгандинг-а, энди ўзингни,
Айтардинг: «Бағримда содиқ инсонлар».
Чиппакка чиқариб ушбу сўзингни
Қўйнингдан чиқди-ку қора илонлар.
Улар ниятига етмади лекин,
Аллоҳ бир асради карвонбошингни.
Сени ёрлақанган эканми балки,
Ўзи сақлаб қолди бахт қуёшингни.
Қалбимдан сирқираб отилган қоним,
Дардлари бир дунё Ўзбекистоним!

Энди ҳушёрликни ўрган диёрим,
Лек сира бепарво бўлмагин фақат.
Хурлик пойдеворин қурган диёрим
Ниятим ҳамиша огоҳ бўл, албат!
Ахир, бу кунларга осонлик билан
Эришганимиз йўқ, шуни қилгин ҳис.
Қурбон бўлиб кетди қанча жону тан
Ега олмай ушбу кунларга, эсиз.
Истиқлол бахтидан масрур маконим,
Ҳамиша огоҳ бўл, Ўзбекистоним!

Ҳуррият шунчаки бир неъмат эмас,
Шуни дилга тугсин ёш авлод ҳар он.
Ҳуррият шунчаки саодат эмас,
У-гурур, у-номус, у-иймон, виждон,
Ушбу ҳурриятли замон бизники,
Насиб этганига минг бор шукрона.
Шодликка лиммо-лим даврон бизники,
Насиб этганига минг бор шукрона.
Кўзида бахт ёши маржон-маржоним,
Ҳурриятинг асра, Ўзбекистоним!



ОЗОД ЮРТ БАҲОРИ

Бу элга қувончли кунлар ярашар,
Муборак байрамлар ярашар унга.
Ташрифидан кўнгил тилакка шошар,
Наврўзи оламлар ярашар унга.

Бу ўлка васлига қуёш ҳам шайдо,
Баҳор тўймайди ҳеч ҳуснига боқиб.
Наврўз ҳам ошиқиб унга доимо
Соғиниб келади чечаклар тақиб.

Сумалак қайнайди дошқозонларда,
Кўкда қалдирғочлар парвоз этади.
Сўнгра беихтиёр ушбу онларда
Дилингдан қайгулар ариб кетади.

Бодом гулларидай пок орзулари,
Кўкси умидларга тўла деҳқоннинг.
Турфа чечакларнинг шўх кулгулари
Дилига завқ берар ҳар бир инсоннинг.

Атрофга ўзгача кўз билан боқсам,
Бунда ҳар бир гўша мисли чаманзор.
Гоҳо сувлар билан қўшилиб оқсам...
Барининг ўзгача, тотли гашти бор.

Қувончдан шўх ўйнаб, яйрадим, чопдим,
Озод юртнинг обод далаларида.
Бахт, чирой нелигин мен шунда билдим,
Айни кўклам—Наврўз паллаларида.

Нозик бойчечакни суриб кўзимга
Уни ҳам янги кук билан қутладим.
Бинафшани шодон босиб юзимга,
Юртимга барака, ризқ-рўз тиладим:

Ҳар бир кунинг Наврўз бўлсин, Ватаним,
Сени бахт, гўзаллик ҳеч тарк этмасин.
Доим яшнаб тургин, нузли масканим,
Богларингдан сира баҳор кетмасин!

ВАТАН КЕЧИРМАГАЙ...

(1999 йил февраль воқеаларини эслаб)

Юртим, ҳар гўшангда сокинлик эди,
Тинч-тотув яшарди барча инсонлар.
Лекин бу кунингги кўра олмади
Инсон суратида юрган ҳайвонлар.

Сўйла, иймони бут, ориятли эл,
Тангридан сен шунини сўраганмидинг?
Оғир кунларимда ҳамдари бўлар деб
Қўйнингда илонлар асраганмидинг?!

Соҳибқирон бобо, қудратли инсон,
Безовта бўлгандир балки руҳингиз?!
Афсус, кеч англадик, бўлмадик ҳушёр.
Бунинг-чун бизларни маъзур тутингиз!

Сиз-чи, эй, шавкатли Улуғбек Мирзо,
Ҳеч бундай безовта бўлмагандирсиз?!
Ҳатто ўз ўғлингиз қасд қилганда ҳам
Бундай разилликни кўрмагандирсиз?!

Ҳаффа бўлаверманг кўнам ҳаётдан
Ўз ўғлим қотилим бўлди, деб такрор.
Билингки, муборақ ушбу заминда
Юртнинг отасига қасд қилганлар бор!

Мирзо, ўз отасин қотилларини
Надаркуш деб аташ жоиз бўлса гар,
Юртнинг отасига қасд қилганларни
Нима деб атасак тўғрироқ бўлар?!

Қудратли ҳукмдор, не бўлганда ҳам
Тарих кечирмаса надаркушларни,
Мен шуни таъкидлаб айтмоғим керак:
Ватан кечирмагай юртфурушларни!...

* * *

МЕН БАРГМАН

Мен баргман, бир куни тўкилишим бор,
Яшаб қололмайман абадий, тайин.
Ҳали минг эгилиб, букилишим бор,
Буни ҳис қиляпман кун ўтган сайин.

Иироқ этгин мени ёмонларингдан,
Зеро, бир умрга букилиб қолмай.
Ҳаёт, асра бевақт шамолларингдан
Хазон бўлмай туриб тўкилиб қолмай.

Суйган юрак... Унга дунё керак эмас,
У гўзаллик, эзгуликка шайдо бўлар.
Куйган юрак... аслида у юрак эмас,
Жаҳолатдек дарддан куйган бўлса агар.

Ёнган юрак... Вужуддаги чақмоқдир у,
Ёниб турар фақат ўчиб қолмас сира.
Синган юрак... Изтиробли бир оҳдир у,
Ушбу оҳнинг интиҳоси бўлмас сира.

Юрак ишқдай ширин дарддан куйсин,
майли,
Аламзада, армонлардан куймасин ҳеч.
Юрак суйса эзгуликни суйсин, майли,
Лек ёвузлик, ёлгонларни суймасин ҳеч.

Юрак ёнса, эл дардида ёнсин, майли,
Хасад деган оловларда ёнмасин ҳеч.
Юрак синса эл дардида синсин, майли,
Тухмат деган азоблардан синмасин ҳеч.



БОЛАЛИГИМ

Болалигим-умримнинг энг эрка фасли,
Энг бокира туйғуларга ошнолигим.
Ҳаётимнинг навбаҳори сенсан асли,
Фақат эзгу ниятларга шайдолигим.

Тинглар эдим саболарнинг сўзларини,
Ҳеч тўймасдан бинафшанинг юзларига.
Юрагимнинг ҳеч ким билмас розларини
Яширгандим жайронларнинг кўзларига...

Ҳали ҳамон ёдимдадир ўшал чоғлар:
Чечакларнинг қиқирлаши қулогимда,
Адирларнинг эрка қизи қизгалдоқлар—
Олган бўса, излари бор қарогимда.

Эсимдадир... Дил розимни очганимда
Гуллар мени ўз бағрига чорлар эди.
Юрагимдан орзуларни сочганимда
Улар кўкда юлдуз бўлиб порлар эди...

Ай, шўхлигим, жаннат иси келиб турган
Чанг-тупроқли кўчаларинг соғиндим мен.
То тонггача тўлини ой-ла суҳбат қурган
Ойдин-ойдин кечаларинг соғиндим мен.

Сен бахш этган ўшал тотли дамлар учун
Шукуронадан пойингга гул тўшаб ўтгум,
Энди ушбу дунёда мен ҳар вақт, ҳар кун
Сенинг ширин хотиранг-ла яшаб ўтгум.

ЮРАК БУЙРУҒИ

Шундай яша: сенинг умрингдай
Маъно олсин ҳаёт эртаги.
Шундай бўлки, пок номинг билан
Уриб турсин халқинг юраги.

Шундай шеър ёз: сатрларингга
Дил талшиниб, қалб төнсин малҳам.
Шундай севки, сен билан бирга
Бедор бўлсин, ёнсин бу олам!..

Н И Я Т

Бир олов бўлайки, ўчмайин асло,
Халқим юрагида ловуллаб турай,
Жисмим қаро ерга кирса-да аммо
Иемим билан қалбда гувиллаб турай.

Бир маёқ бўлайки, халқимнинг ёрқин-
Иўлини ҳамиша чарогон этай.
Бир шоир бўлайки, элим шуҳратин
Зарҳал сатрларга муҳрлаб кетай.

Бир дунё орзулар қалбда яширин,
Барчасин руёбга чиқармоқ-ҳавас.
Ижодкор фарзанди бўлиб халқимнинг
Оғирини енгил қила олсам бас!..

Ё Ш Л И Г И М

Сен умримнинг баҳори бўл, ёшлигим,
Орауларим тумори бўл, ёшлигим.

Ҳаётимга мазмун бўлиб, доимо
Кулгуларим хумори бўл, ёшлигим.

Гоҳ ёлғизлик олганида бағрига
Дил сирдоши, дўст-ёри бўл ёшлигим.

Гўзалликка шайдо ушбу қалбимни
Тарк этма ҳеч, мадори бўл, ёшлигим.

Сен ҳам, мен ҳам куйлаб ҳаёт қўшигин
Завқланайлик, дил тори бўл, ёшлигим.

Тилим сени мадҳ этмоққа лол қолса,
Дилгинамнинг изҳори бўл, ёшлигим.



НАФРАТ

(Баъзи бир «она» ларга)

Эзгуликни танимаган бу шафқатсиз
Тош юрагинг надоматда чириб кетсин.
Сен ҳам инсон наслидансан, эсиз... эсиз,
Онамисан, оналигинг қуриб кетсин!

Ўз болангни тириклайин етим қилиб
Айт, кимларга ташлаб кетдинг, бағрин
тилиб?!

Ахир, шуни қилдинг-ку сен билиб туриб
Онамисан, оналигинг қуриб кетсин!

Қалбинг парча этмадими нолалари,
Кўзларидан тинмай оққан жолалари?!
Сен кабилар, наҳот, инсон болалари,
Онамисан, оналигинг қуриб кетсин!

Фарёдлари, наҳот, қаҳрийг аритмади,
Нигоҳлари тош қалбингни эритмади?!
Дилгинангнинг бир чеккасин оғритмади?
Онамисан, оналигинг қуриб кетсин!

Нозик кўнглинг, наҳот, тошга айландими,
Гўдагингдан воз кечмоққа шайландими,
Нафсинг фақат ишратларга бойландими?
Онамисан, оналигинг қуриб кетсин!

Инсон десам, инсонмассан, ростин айтмай,
Аёл десам, аёлмассан, мен ҳам нетай?
Сен номсизни айтчи, энди ким деб атай,
Онамисан, оналигинг қуриб кетсин!


АЁЛЛАР ШАЪНИГА

Бу фоний дунёга маъно ўзингиз,
Умр йўлларини чарогон айлаб
Кўнгил осмонида Зухро ўзингиз,
Ғритиб тургучи зиё ўзингиз.
Оламнинг сарвари-азиз аёллар,
Оила гавҳари-лазиз аёллар.

Сиз борсиз оламда муҳаббат ҳам бор,
Гўзаллик бор, меҳру оқибат ҳам бор.
Токи сиз ҳамиша омон экансиз,
Дунёда бахт ҳам бор, саодат ҳам бор.
Оламнинг сарвари-азиз аёллар,
Оила гавҳари-лазиз аёллар.

Сизсиз бу дунё тор, дил гаш дейинму,
Сиз гулдек нозик ҳам дилкаш дейинму.
Шижоатин кўриб Тўмарисларнинг,
Ўт дейинму сизни, оташ дейинму?
Оламнинг сарвари-азиз аёллар,
Оила гавҳари-лазиз аёллар.

Сиз ойсиз, офтобсиз маъно бобида,
Туганмас китобсиз вафо бобида.
Инсон қалбидаги севги аталган
Бир ширин азобсиз жафо бобида.
Оламнинг сарвари-азиз аёллар,
Оила гавҳари-лазиз аёллар.



О Н А Ж О Н

Кўзингизда андуҳларнинг излари қатор,
Киприкларда мен билмаган дардлар
ухлайди.

Қариликдан нишонми бу: сочингизда қор,
Соғинчлар ҳам тамомила қалбни тирглайди.

Ажин тушган юзингизга боқаман маънос,
Улар тақдир сизга отган тошлармикина?!.
Она, қаранг, ҳу кўкдаги юлдузлар эмас,
Кўзингизда милтиллаган ёшлармикина?!

О, барча гам-аламларни ўзига олиб,
Менга фақат шодликларни илинган, Онам!
Йироқларга кетар бўлсам, мени соғиниб,
Бир юраги минг парчага бўлинган, Онам!

Шўхликларим сабаб бўлса кўз ёшингизга,
Мен ўзимни сизга лойиқ фарзанд демасман.
Болам деманг, бу дунёда қанча яшамай,
Сизни рози қилолмасам одам эмасман!...

О Н А И З О Р

Армонлар дилини асир этса ҳам,
Қалбини аламлар макон тутса ҳам,
Гоҳо дунёсига сиғмай кетса ҳам,
Дардини айламас ошкора онам.

Баъзан дилгинасин тирнаса озор,
Дунё кўзларига кўринса-да тор
Кўнгил йиглаётган бўлса ҳам зор-зор,
Кулиб тураверар бечора онам.

Бир олам ташвиш кичик жуссада,
Куни ўтар доим ғаму ғуссада
Гарчи юрагига қил сиғмаса-да
Фарзандлари билан овора онам.

Барибир кўникиб қолади яна,
Барчасига чидаб келади яна.
Аламин меҳнатдан олади яна,
Шу битта юраги юз пора онам.

Қайгулар оқартса сочин толасин,
Ичига ютади оҳу ноласин,
Мендайн бағритош шоир боласин
Соғиниб кутади зор-зора онам.

Бошимда порлаган қуёшим менинг,
Бахт сари чорлаган йўлдошим менинг
Болалигимдан оқ сирдошим менинг,
Қалбим овунчоғи, дўст-ёр-а онам.

Тикан ботар бўлса гар товонимга,
Оҳ чекар ачиниб менинг жонимга,
Мазмун бериб турар ҳар бир онимга,
Юрагим дардига мадора онам.

Биз-фарзандлар бормиз, у ҳам бор демак,
Ҳамиша ҳушёрмиз, у ҳушёр, демак,
Бизлар бахтиёрмиз, бахтиёр, демак,
Дуога қўл очар минг бора онам.

Ш Е Ё Р

Шеър садодир қалбдан чиққан,
У—дилнинг оҳ, нолалари.
Гоҳи қувонч, гоҳ аламдан
Кўздан оққан жолалари.
Сен шеър дема, у ҳар қалбни
Яйратиб, ё қон қилмаса.
Шеър эмас у ҳар бир сатри
Юрагингдан тўкилмаса.

И С Т А К

Ёмғир ёғаяпти... биллур томчилар
Шивирлаб куйлашар ҳаёт қўшигин.
Негадир юрагим тинмай энтиқар,
Томчилар тўлдиран кўнгил бўшлигин.
Ёмғир оз ёғди-ю, тинди... Ва лекин
Чертиб кетди аста дил торларимни.
Томчилар кўнглимга бағишлаб таскин
Ювиб кетди қалбдан ғуборларимни.
Сўнг мендан бир истак кетмади нари:
«Томчидек ғамларни оқизсам дилдан.
Қанийди, мен худди ёмғир сингари
Дардингизни ювсам шеърларим билан!..»

ИЛК БАҲОР УЙЛАРИ

Фасллар алмашиб турар доимо,
Урини бўшатиб бири-бирига.
Бу ҳаёт қонуни фасллар, аммо
Таъсир қилмай қолмас инсон умрига.

Ез эрур қалбларга асосий тиргак,
Кузни соғинганлар муштоқ кузгача.
Безиб кетар гоҳо қишдан ҳам юрак,
Бари-бир баҳорнинг ўрни ўзгача.

Баҳор нафасидан ёшарар замин,
Мудраган борлиққа яна кирар жон.
Баҳор кўнгилларга берадур таскин,
Фақат бизни алдаб кетгани ёмон..

Сен ҳам яшнаб тургин худди баҳордек,
Куздаги хазондек саргайиб, сўлма.
Ҳаётинг баҳорга ўхшасину, лек
Сен баҳор сингари алдамчи бўлма...



ТҮРТЛИКЛАР

Кимдир ширин сўз-ла кўнглингни олар,
Кимлардир қалбингга санчади тикан.
Қўй, энди йиғлама, садпора юрак,
Ҳаёт деганлари шунақа экан!

* * *

Ҳар ким бу дунёга келаркан бир бор,
Ва битта бўларкан она-Ватани
Лекин пайти келса Ватанини ҳам
Сотиб юбораркан инсон дегани.

* * *

«Баҳорнинг энг гўзал чечагиман мен» —
Деб қизгалдоқ базўр мақтаниб қолди.
Шу пайт кучли шамол эса бошлагач,
Бўзрайиб пана жой ахтариб қолди.



СОҒИНДИМ СЕНИ, БАҲОР!

Қиш ҳам юрагимни бездириб қўйди,
Қалбимга мадорим, сени соғиндим!
Қушлар таширифингни сездириб қўйди,
Оҳ, менинг баҳорим, сени соғиндим!

Елвориб йиллардан сўрадим сени,
Ўткинчи еллардан сўрадим сени,
Ифорли йўллардан сўрадим сени,
Оҳ, менинг баҳорим, сени соғиндим!

Бойчечаклар териб ййрагим келди,
Гоҳо булбул бўлиб сайрагим келди,
Сенинг-ла чопқиллаб ўйнагим келди,
Оҳ, менинг баҳорим, сени соғиндим!

Бинафша юзидан бўсалар олсам,
Чиройинг олдида лол бўлиб қолсам,
Қанийди бир умр сен билан бўлсам,
Оҳ, менинг баҳорим, сени соғиндим!

Дехқон дилидаги тилаги ўзинг,
Унинг бору йўғи, тиргаги ўзинг,
Барча фаслларнинг малаги ўзинг,
Оҳ, менинг баҳорим, сени соғиндим!

Юртимга барака олиб келгин-эй,
Дилга бир жўшқинлик солиб келгин-эй,
Эзгулик тимсоли бўлиб келгин-эй,
Оҳ, менинг баҳорим, сени соғиндим!

ВОЛИДАМ ДУО АЙЛАСА...

Ул кун шодлигимнинг чеки йўқ асло,
Менга ҳайратда дол қолади само.
Ҳавас-ла боқади кўкдаги Зухро,
Волидам қўл очиб айласа дуо.

Қувончларим ёзар баҳорий япроқ,
Дилимдан андуҳлар кетади йироқ,
Ва қалбим шодликдан топади паноҳ,
Волидам қўл очиб айласа дуо.

Кўк юзида қуёш жилмайиб, кулар,
Қалбим қувончларга лиммо-лим тўлар,
Ҳатто гулларнинг ҳам ҳаваси келар.
Волидам қўл очиб айласа дуо.

Шодлик, кулгуларим оламни кезар,
Қўлларим-чи, умид гулини узар,
Кўзларимда севинч ёшлари кезар,
Волидам қўл очиб айласа дуо.



УМР МАЗМУНИ

Сиз аёлни севинг, уни ардоқланг,
Кўнглига беҳуда етказманг озор.
Қаро ниятлардан сиз уни сақланг,
Аёлнинг қалбида оламча дард бор.

Сиз аёлни севинг, уни ардоқланг,
Ширин сўзингизни аяманг ундан.
Гар аёл йиғласа, йиғлайди тоғлар,
Олам ёришадур кулгуларидан.

Сиз аёлни севинг, уни ардоқланг,
Унинг кўзларида олам яширин,
Бир қўлида гўдак, бир қўлида-чи,
Тебратиб туради дунё бешигин.

Сиз аёлни севинг, уни ардоқланг,
Жиндай табассумни кўп кўрманг унга.
Қалбингиз тубида жон каби сақланг,
Аёл кулса олам тўлади нурга.

Шул боис ардоқлаб, эъзозланг уни,
Ахир, шул аёлдир умр мазмуни...

КҮНГИЛЧАНГИЗ

Барри тошим, барча ёқдию
Мен ёқмадим кўнгилчангизга.
Буни қаранг, дарё бўлдим
Лек оқмадим кўнгилчангизга.

Қувонч сизди, дард-ғамлар сизди,
Гоҳ шодлик, гоҳ аламлар сизди.
Ишқ аталмиш оламлар сизди,
Мен сизмадим кўнгилчангизга.

Мунчаларам тор бўлмаса-ей,
Гиналарга ёр бўлмаса-ей,
Бизларданам зўр бўлмаса-ей,
Ҳеч сизмадим кўнгилчангизга.

Яккаланган юрак ҳайрон, жим,
Ночорликдан йиғлайди юм-юм.
Ожиз қолдим, нима ҳам дердим,
Мен сизмадим кўнгилчангизга.

КУМУШБИБИГА

Опажоним-париларнинг қизгинаси,
Кокилларин саболарга таратганим.
Нигоҳлари фариштанинг ўзгинаси,
Бир боқишда Тошканни ҳам қаратганим.
Опажоним-Марғилоннинг сулув қизи,
«Сиз ўшамми?» айланайин тилингиздан.
Бағрингизга урилганда ёрнинг иси,
Қандай ўю хаёл ўтди дилингиздан?!
Опажоним-икки чашми оҳугинам,
Қодирийлар қалбидаги меҳрим менинг.
Ул қайрилма мужгонлари жодугинам,
Отабекни асир этган сеҳрим менинг.
Опажоним-киприклари намли опам,
Кундошликда бахтин кўзи юмилганим,
Миттигина кўнгилчаси ғамли опам,
Армон бўлиб қаро ерга кўмилганим.
Опажоним, кўзни очиб кетдингиз-ку,
Кўз ёшларим шувиллабон қолди бу кун.
Оққушмисол мангу учиб кетдингиз-ку,
Марғилонлар ҳувиллабон қолди бу кун.
Опажоним, унутиб ул сўз-гапларни
Сабо бўлиб биз томонга елинг энди.
Рашик ўтида кабоб этиб Зайнабларни,
Отабек-ла қўл ушлашиб келинг энди.
Опажоним, пойингизга гуллар тўшаб,
Ўзим сизга ишқдан эртақ сўйлаб берай.
Ўшал ширин лаҳзаларга сизни бошлаб,
Чин муҳаббат қўшиғини куйлаб берай.
Опажоним, биз томонга келиб бир бор
Севги қандай бўлишини ўргатингиз.

Сўнгра «нажот фариштаси» бўлиб такрор,
Муҳаббатдан дилга зиё бахш этингиз,
Опажоним...

БИР КУНИ

Бир куни...

Сигмайин дунёга
Дил сизга зорланиб ётмайди.

Мен учиб кетарман самога,
Барисир қўлингиз етмайди.

Бир куни...

Мен ойга айланиб,
Кўк узра сиз томон боқарман.

Сизга нур сочмоққа шайланиб,
Самода қуёшдай балқарман.

Бир куни...

Вағридан қўймасдан
Юлдузлар ўпади юзимдан.

Сўнг бахтга чўмилиб бехосдан
Севишлар ёғилар кўзимдан.

Бир куни...

Сизга ҳеч ёқмаган
Шеърларим ўз қадрига топади.

Қолмайди ҳавас-ла боқмаган,
Дил армон эшигини ёпади.

Бир куни...

Укинчининг, аламнинг,
Ипига бойланиб қоларсиз.

Шодлиги татимай оламнинг
Бахт сўраб ёнимга келарсиз.

Бир куни...

БИЛАСИЗМИ!

Кўп нарсадан хабарингиз йўқдир сизнинг,
Шундай десам, лолу ҳайрон бўласизми?!
Сизга кулиб боқиб турган бу кўзларда
Дард, алам ҳам бисёрлигин биласизми?!

Ишонмайсиз: ёш болада дард не қилсин—
Дея гоҳо устимдан ҳам куласизми?!
Агар шоир юрагида дард бўлмаса,
Шеър ҳам ёза олмаслигин биласизми?!

«Бўлса бордир юрагингда чўғдай бир дард»,
Бу эзилган қалбим баттар тиласизми?!
Ана ўша чўғдай бир дард бир кун келиб
Алангага айланишин биласизми?!

ОСМОНИМГА ҚАЙТИНГ БИР БОР...

(Отабекнинг айтганлари)

Армонларга ошно қилиб кетдингизми?!
Юрагимни тилиб-тилиб кетдингизми?!
Бир умрга қайтмас бўлиб кетдингизми?!
Осмонимга қайтинг бир бор, Зухрогинам,
Гуноҳим не, айтинг бир бор, Зухрогинам.
Сиз кетдингиз, кулгу қочди юзларимдан,
Бирор маъно уқиб бўлмас сўзларимдан
Ёш ўрнига қонлар оқар кўзларимдан,
Осмонимга қайтинг бир бор, Зухрогинам,
Гуноҳим не, айтинг бир бор, Зухрогинам.

Тақдир ногоҳ сизни менга кўп кўрди-ку,
Оҳ, айрилиқ бу жонимдан тўйдирди-ку.

Ишқ балоси мени тамом ўлдирди-ку,
Осмонимга қайтинг бир бор, Зухрогинам,
Гуноҳим не, айтинг бир бор, Зухрогинам.
Кумуш эмас, олтиндан ҳам аъломисиз?!
Ошиқ қалбим чаманида раъномисиз?!
Бу дунёда сиз умримга маъномисиз?!
Осмонимга қайтинг бир бор, Зухрогинам,
Гуноҳим не, айтинг бир бор, Зухрогинам.
Гулим, бир кун паймонадай тўлар бўлсам,
Бир гул янглиғ куйингизда сўлар бўлсам,
Армонларни қучиб-қучиб ўлар бўлсам,
Осмонимга қайтинг бир бор, Зухрогинам,
Гуноҳим не, айтинг бир бор, Зухрогинам.

БОЙГА ЁҚМАБМАНУ

Ердан кўнгил узиб гирёна бўлдим,
Ойнинг атрофида парвона бўлдим,
Ул: «Севдим»-деди, мен ҳайрона бўлдим.
Бойга ёқмабману, ойга ёқибман.
Кулишим билмайман, йиғлашимни ҳам,
Дилимда на қувонч, на бордир алам,
Менинг билан бирга ҳайрондир олам:
Бойга ёқмабману, ойга ёқибман.
Энди бу ерлардан қочиб кетайму?!
Дунёга дардимни сочиб кетайму?!
Ойнинг ватанига учиб кетайму?!
Бойга ёқмабману, ойга ёқибман.
Бирига етмоқлик орзу-ўй экан,
Сабаби ул биздан анча бой экан.
Бизга аталгани кўкда ой экан,
Бойга ёқмабману, ойга ёқибман.

М У Н Д А Р И Ж А

| | |
|---|----|
| Улгайиб бораётган шоир (Б. Мирзо) | 2 |
| Орзуларим бешиги — Ватан | 3 |
| Жоним Ватан! | 4 |
| Қишлоқ | 5 |
| Узбекистоним | 6 |
| Озод юрт баҳори | 9 |
| Ватан кечирмагай | 10 |
| Мен баргман | 11 |
| Суйган юрак | 12 |
| Болалигим | 13 |
| Юрак буйруги | 14 |
| Н и я т | 14 |
| Ешлигим | 15 |
| Нафрат | 16 |
| Аёллар шаънига | 17 |
| Онажон | 18 |
| Онаизор | 19 |
| Ш е ъ р | 20 |
| Истак | 20 |
| Илк баҳор ўйлари | 21 |
| Тўртликлар | 22 |
| Соғиндим сени, баҳор! | 23 |
| Волидам дуо айласа | 24 |
| Умр мазмуни | 25 |
| Кўнгилчангиз | 26 |
| Қумушбибига | 27 |
| Бир кун | 28 |
| Биласизми? | 29 |
| Осмонимга қайтинг бир бор | 29 |
| Бойга ёқмабману | 30 |

Беҳзод ФАЗЛИДДИН


Боғларингдан кетмасин баҳор
(Шеърлар)

| | |
|----------------|--------------|
| Муҳаррир: | Б. МИРЗО, |
| Мусаввир: | М. ЭРГАШЕВ. |
| Тех. муҳаррир: | Б. ЮЛЧИЕВ. |
| Мусаҳҳиҳ: | М. МУҲСИНОВ. |

Теринга берилди 15.08.2000 й. да. Босинга руҳсат этилди
27.09.2000 й.да. Бичими 70X90 1/16. Газета қоғози. Юқори босма.
Ҳажми 2 босма табақ. Адади 500 нусха. Буюртма № 1593.
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Наманган» нашриёти, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси
Матбуот уйи, 3-қават.

Чуст шаҳар босмахонасида терилиб чоп этилди.
717200 Чуст ш. Сўфизода кўчаси, 8-уй.



*Беҳзод ФАЗЛИДДИН —
Чуст шаҳридаги иқтидорли болалар
лицейи битирувчиси, чустлик
адиблар йўлидан дадил бораётган
умидли ижодкор ёшлардан.*

